

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ДАВР САДОСИ
Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Бухоро вилояти галлакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга галла топириш шартнома режасини бажардилар. Республиканинг улкан хирмонига 117400 тоннадан ортиқ дон етказиб берилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бухоро вилояти галлакорларига ва барча меҳнаткашларига табрик хати йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Зулфия» номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таркиби тасдиқланган эди. Кеча Вазирлар Маҳкамасида мазкур комиссиянинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика Хотинқизлар қўмитаси раиси, мазкур мукофот комиссияси раиси Д. Фуломов олиб борди.

Кеча Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси бўйича масалалари қўмитасининг бир қанча вазирликлар, идоралар ва жамоат биланшароитларининг вакиллари иштирокида мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшниларни тайёрлаш режасига мувофиқ шу йилнинг 22 июнидан бошланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг команда-штаб машқлари 26 июнга қадар давом этади.

Ўзбекистон Ёшлар театрида Алишер Навоийнинг «Лиссон-ут-тайр» асари асосида яратилган мимик томошанинг қайта ишланган қисми кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Япониянинг «Той инженеринг» корпорацияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида дизель ёнилғисини тозалаш цехи учун ишлаб чиққан лойиҳаси асосида Туркиянинг «Текфин» компанияси қурувчилари ушбу цехни бунёд этишди.

Чирчиқ олий танк командирлари билим юртида битирувчиларни ҳарбий қисмларга қузайти маросими бўлди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 72 (9.264) 1999 йил 23 июнь, чоршанба Сотувда эркин нархда

Ёшлар — буюк келажакимиз бунёдкорлари

ТАШАББУС ВА ИНТИЛИШ ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН

Республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари сафари бутун халқимизнинг диққат-эътиборида бўлди. Ушбу сафар давомида Ўзбекистоннинг дон мустақиллиги сари иштирокчиларни юртимиз галлакорларининг тоғу ва камчиликлари билан танишиб, қимматли маслаҳатлар бердилар. Жуда муҳим саноат хом ашёси — полиэтилен ишлаб чиқаришнинг яхшироқ шартлари ва қўшимча мажмуи қурилишининг бориши, бу ерда ишчиларга яратилган шартношларни қўнда кечирдилар. Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларидан ўтказилган йиғилишлар, вилоят туманларидаги учрашувларда келажакимиз бунёдкорлари бўлиши ёшларнинг ҳаёти, фаолияти, дунёқаролини алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ўз олдига қўйган долзарб вазифаларини лозим даражада адо эта олмаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Қўнда муштарийларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Музаффар ДУСТҚОРИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг 3-курс талабаси:
— Биз келажак порлоқ, дунёвий давлат пойдеворларини қурмоқдамиз. XXI аср етацилари бўлиши ёшларнинг маънавий-маърифий камолоти йўлида давлатимиз томонидан барча тегишли шароитлар яратилмоқда. Бундан биз — олий ўқув юртилари талабалари чин дилдан ҳис этиб турибмиз. Ўзбекистоннинг мамлакатимизнинг сарқалари — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қилган сафарлари чоғида ҳам ёшларимизнинг камолотини йўлаб кўчирилган билан билдирган фикр-мулоҳазалари, уларда интилиш, изланиш, ташаббус бўлганина ислохотлар жараёни жадаллашди, деган сўзлари биз учун ҳаётини дастуруламал бўлиши керак, деб ўйлайман. Бунинг учун барчамиз замонавий илм-фан чуқурлигини эгаллашимиз, ҳар бир соҳада ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшимиз лозим.

Худойназар ШОНАЗАРОВ,
ҳайдовчи:
— Мен ҳам барча юрдошларимиз қатори Президентимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида қилган сафарларини ойна-мажон орқали қузатиб, шундай ҳулосага келдимки, ёшоннинг бундан доимо кург еганидек, айрим ёшларимиз диний ақидаларга қатъий ботиб, қандай тўбон йўл томон кетаётганликлари ни унутиб қўйдилар. Барча ёшларга қарата шундай дейман: бугунги улкан ўзгаришлар, янгиланишлар даврида мустақил юртимиз ривожланиши йўлида ташаббускор бўлиш, четда турмайлик, иқтисодий, Президентимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистоннинг энг катта тарихи ва сунъий сифатида унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун бош қўйайлик.

Партиялар ҳаётидан

ҲИСОБОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг II конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Фуломов ҳисобот маърузаси билан чиқди.

Маърузачи ҳамда конференцияда сузга чиққан ҲХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов ва бошқалар мамлакатда демократик қадриятлар тобора чуқурроқ қарор топаётган ҳолатни пайдар-пай таъкидлаб, Президентимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистоннинг энг катта тарихи ва сунъий сифатида унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун бош қўйайлик.

Конференция иштирокчилари ҲХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Шаҳар кенгаши аъзолари, ташкилотнинг назорат ва тафтиш комиссияси сайланди. Мамакат олий ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятларга бўлажак сайловлар муносабати билан партия ташкилотлари олди-

8 ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси — дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган келажак порлоқ, мустақил давлат. Шу тарихий воқеага энди саккиз йил тўлай деяпти. Тарих учун лаҳзага тенг шу қисқа вақт жонажон Ўзбекистонимиз учун улкан салмоққа эга бўлган бутун бир тарихий давр бўлди. Зеро, унинг ҳар бир кунини Истиқлол берган буюк неъмат — Озодлик ва мустақиллигимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш йўлида қизғин курашлар, тинимсиз унумли меҳнат билан ўтказиб келяпмиз.

Ўтган йилларимизга назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бир кунини, соати, лаҳзаси беқор ўтмаганига юз қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг аввало, буни мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг дастлабки самараларида кўраимиз. Жамиятимиз ҳар қачонгидан тараққийпарвар, инсонпарвар бўлиб қолганини фақат биз эмас, юртимизга таширф буюрётган давлат ва жамоат, маданият арбоблари, машҳур бизнесменлар, сайёҳлар ҳам таъкидлашмоқда.


Сиёсий эркинликлар торабора кенгайиб бориши билан сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, жамоат уюшмалари сонини ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистон парламенти ҳузурида ақингинада суд-ҳуқуқ тизминини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссияси тузил-

ди. Унинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд жазолочилиги орган бўлмағи қонунни, алоқаларни қилувчи тузилма эканлини амалда кўрсатди. Унинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд жазолочилиги орган бўлмағи қонунни, алоқаларни қилувчи тузилма эканлини амалда кўрсатди.

Қудрат касб этиб яшармоқда. Уларни ҳар кунини оммавий ахборот воситалари орқали қузатиб турибмиз. Энг сўнгги янгиликлардан бири пойтахтимизда шаҳар фавқу-

лода вазиетлар бошқармаси ҳузурида махсус «911» қутқарув хизмати» ташкил этилди. Унинг асосий мақсади табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиетлардан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ички ишлар бошқармаси, тез тиббий ёрдам ва шаҳар авария хизматлари (алоқа, сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти) кучларини мувофиқлаштириш ҳолда иш олиб боришдан иборат. Унинг моҳияти, бир сўз билан айтганда, инсонга, унинг хавфсизлигига хизмат қилиши.

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимиз аёллари 54 ёшдан кексалик пенсиясига чиқиш имконига эга бўладилар. Аёллар йили муносабати билан республика-



Огоҳликка даъват

ОНА ЮРТИМ, СЕНИ ЁМОН КЎЗЛАРДАН АСРАСИН!

Бағрикенглик, кўнгилачлик ва меҳмондўстлик халқимизнинг азалий ғазилатларидан. Оқ бўлиб қорани, дўсту душманини яхши ажрата билмайдиган юртдошларимиз, дин нима-ю, сохта ақидапарастлик нимагини, қим пок ниятни инсонни, қим мунофиқ ривкор эканлигини ҳам яхши билади. Лекин гурӯҳ кўрмасиз бўлмас экан-да. Таассуфлар бўлсинки, баъзи ёшларимиз бугун муқаддас динимизни ниқоб қилиб олиб манфур ишларни амалга ошираётган кимсаларнинг найрангига ўчиб мусулмончилик амалларида бутунлай ёт бўлган номақбул йўл, боши берк кўчага кириб қолаётганликлари ҳар биримизни ташвишга, юракларимизни ларзага солмоқда. Тахриратимизга

ҳамшаҳарларимиздан тинимсиз оқиб келаятган дил изхори битилган мактубларда ҳам турли экстремистик оқимлар, мутасассис кўчларнинг тоғлари қораланмоқда. Билиб-билмай бу йўлга кириб қолаётган ёшларимиз тақдирдан ташвиш билдиришмоқда. Бу мактублар билан таниши туриб узоқ-узоқлардан овоз юртимизга гаразли нигоҳларини тикиб турганларнинг ҳали бери кўзлари толмайдиан қўринадилар, деган ҳаёлга борасан. Мамлакатимизда амалга оширилаётган жамияти яхшиликларни кўролмаётган бу мунофиқларга лаънатлар айтсинг келади. Уларга қўйиладилар сўзларини айтмасиз: Ҳой, қора ниятли кимсалар, наҳотки ҳали ҳам кўзларингиз очилмади? Ахир 16 февраль воқеаларининг сабабчилари устидан бораётган суд жараёни ва сўнгини қора курсидада ўтириваларнинг тавба-тазаррулари наҳотки сизга ибрат бўлмади. Билиб қўйинглар, биз Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонимиз танлашдан йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз! Президентимиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафарлари давомида бўлган учрашувларнинг биринчи: «Мен она деганда Ватанимизни тушунаман, Ватан деганда онани тушунаман», деб бежиз такрорламадилар. Чунки азал-азалдан Ватан биз учун она каби муқаддас бўлиб келган. Шундай экан, мустақил она Ватанимизни ёмон кўзлардан асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ҚУТБИ АЯНИНГ ҚАЛБИДАГИ ФАРЁДИ

— Мен ўйгучиман. Болаларни ҳаммаша ростўйликка қорлаб келганман. Елгон сўзлаш эътиқодимга ёт. Бугун жабрдийда она сифатида қўйиб-ўртанаман. Сабоби ўғлим Махмуджон «Хизбут тахрир»чиларга қўшилиб қолгани менни қийноққа соляпти. Келинг, яхшии бир бошдан гапириб берай. Дастлаб у мўмин-қобил, одобли бола эди. Арабча харфларни ўрганиб нодда Бу ҳақда дастлаб бировага айтишга ор қилиб, йиғиниб юрдим. Очиги одамларнинг «Узинг ўқитувчи бўла туриб, боланга тарбия бера олмабсан-да», деб айтаядиган таъна-дашқонларидан уялдим. Углимга қўлимдан келганича ҳақиқат йўлини тушутиришга ҳаракат қилдим.

Бугунги ёшларимиз жуда шошқалок, уларни назаримда бошқачароқ йўл билан тарбиялашимиз зарурга ўхшаб қолди. Мен қизиқиб «Хизбут тахрир»чиларнинг билан суҳбатлашдим ва шунинг гувоҳи бўлдимки, уларнинг онги жуда заҳарланган. Шундай экан фурсатни қўлда бой бермай уларга оқ билан қорани ажратиб олишга ёрдамга шошилдимиз лозим. Бунинг учун кўпчилик бир ёқадан бош чиқариши керак. Шу ўринда масжид имомларидан ҳам гинам йўқ эмас. Ахир улар ҳаммаша номоз ўқиниб одат қилаётган ёшлар билан одат бўлишди. Наҳот улар ўз ораларида ўғлим ва унинг ўртоқлари сингари ноқобил йўлни танлаб, ман этилган мазаҳда номоз ўқиларини билишмаётган бўлса.

Шаҳримизнинг Яқсаройи
туманида диний экстремистик оқимларга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳақида ёшларини иш билан таъминлашга бағишлаб ўт...

ТЕЛЕФОНЛАР ХИЗМАТИНГИЗДА

Қадрли дўстлар, жиноятчиликнинг ҳар қандай турлари қарши кураш Ватанимизнинг ҳар бир онгли фуқаросининг муқаддас бурчидир. Айниқса, содир этилаётган оғир жиноятлар, ушшан жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремистик гуруҳларнинг олиб бораётган ишлари ҳаммамизни бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизни тақозо этмоқда. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси қўйидаги «ИШОИЧ» телефонларини эътиборингизга ҳавола қилади.

133-64-97; 136-75-82; 56-74-76.

Ушбу рақамларнинг териб Сиз ҳар қандай қонунбузарлар ҳақида, шунингдек ички ишлар идоралари ходимларининг ноқура хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳам маълумот беришингиз мумкин.

Сиз томондан берилган ҳар бир маълумот чуқур ўрганилиб, кўрсатилган ҳолат бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Маълумот берган кишининг шахси сир сақланиши кафолатланган. Бу борадаги ҳамкорлигиниз жонажон Ватанимизнинг равнақи йўлида муҳим омил бўлади деб умид билдираемиз.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Биз мустақилликдан кейин қўлгина ютқларга эришдик. Бундан ҳеч қим кўз юмолмайди. Инкор ҳам қилишга ҳаққи йўқ. Ахир оддийгина бир бинони қуриш учун марказнинг руҳсатини олишимиз лозим эди. Худогашуқри, бу мамлашлар орда қолди. Бу ёнга фаҳат ишлаш ва ишлаш керак. Ишлаганда ҳам ёниб ишлаш лозим.

Юқорида айтганимдек, биз ютқларимиз соҳида бир мунча хотиржамликка берилди кетдик. Ёшларимизнинг тарбиясига ҳам эътибор, бефарқлик билан қарадик. Лоқайдлик шу даражага олиб келдикки, ёшларимизни ҳаётимизга ёт турли диний оқимлар ўз таъсир доирасига тортиб ола бошладилар. «Хизбут тахрир» ва бошқа экстремистик оқимлар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган йигитларни ўз найрангига учирди. Динни ниқоб қилиб олган кишиларнинг бугун нима мақсадга эришишмоқчи бўлганларига ҳеч қимга

ли олдида кечирим сўраб бу йўлда қайтишларини айтишди. Ҳозирда бу ёшлар тавба-тазарру қилиб Ватан, халқ учун сиқидилган хизмат қилишга сўз беришди.

Менинг фикрим битта. Агар биз ота-оналар, жамоатчилик фарзандларимизнинг юриш-туришларини назорат қилиб борсак албатта ҳеч қачон тилиқчилик, хижолатчиликка ўрин қолмайди.

Зиёдулло ҚУРБОНОВ,
Собир Раҳимов туманидаги «Аҳил-маҳалласи оқсоқоли.

Нуқтаи назар

МУЛҚДОРЛАР - ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИ

Юртбошимизнинг Олий Мажлисида апрель Сессиясидаги маърузаси кенг қамровлиги, муаммоларга чуқур ва тўғри илмий-назарий ёндашуви, аниқ-саноатчи ёндашуви, аниқ йўналишларини кўрсатиб берилиши билан жаҳондаги бир қатор энг кўзга кўринган давлат арбоблари эътиборини ҳам жалб этди... Ўзбек тилида қилинган маъруза орадан ҳеч вақт ўтмай, бир неча тилларга таржима қилиниб, ҳавас билан ўрганилган ва ниҳоят маъқулланганини ахборот воситаларидан билиб, кўнглимиз кўтарилди. Ахир эл-юртимиз ўз раҳбари кўмағида танлаган йўлидан оғишмай бориб, қанчадан-қанча тўсиқларни енгиб, нималарга эришадиганини софдил жамоатчилик кўриб турибди-ку?! Яхши, бу ўз йўлига. Аммо шу жамиятнинг бир жон, бир тани бўлиб яшаганидан кейин у билан бирга нафас оласан, ютуғидан қувонасан, ташвишидан дамга тушасан, дўстларингни олқишлайсан, ёвузларни қаргайсан!.. Қўлингдан келган яхшиликни қиласан, ёмонларга қарши курашда олдинги сафда бўласан... Эли-юрти билан яшашнинг бошқача услуби — ҳаммаси бизга ёт туялади...

Октябрь тўнтаридан бошлаб мулкчилик ва аниқсаноатчилик қарши нақадар қақшатиқ кураш олиб боришга маълум ва бу ҳақда озмуноча гап айтилмади. Бирок, ўша коммунистларнинг «бойларни синф сифатида тугатамиз» деб номланган хунрезликларни етмиш йилдан ортиқ даврда собиқ «иттифок» ва унга қарам бўлган барча ҳудудларда бойларни ҳам, камбағалларни адои тамом қилди; фақат ноконуний даромадни эллаганларгина бой бўлди, бошқалар қашшоқлашиб кетди...

Яқинда телеэкранда «Юз билан юзлашиб» руқнида бир қатор юзга кирган эркак ва аёл фуқароларимиз кўрсатилди бошланди. Уни ҳамма кизиқиб томоша қилаётгани аниқ. Юзга кирганларнинг барчаси «Юртбошимизга раҳмат, қорнимизни нонга тўйдириб қўйди... Кимматчилик, қаҳатчиликда бир бурда нонга зор бўлиб юрганамизни эсдан чиқарганимиз йўқ» тарзидаги бир гапни деярли ҳаммалари бир хилда тасвирлашди... Демак, ўтмишдаги қашшоқлик, муҳтожлик уларнинг бутун борлигини қийнаган, эзган, иззат нафсларини ерга урган. Бу ниманинг асорати? Уз ер-сувидан, дўкон-дастохидан, мол-мулкдан маҳрум бўлиб айна «синф сифатида йўқотиш» фожеалари тўғрисида қашшоқлашиб кетиш аниқ, тўла-тўқис, бутун борлиги билан ҳаммага кўриниб турган дахшатли ҳаётнинг бир лавҳаси эди. Ана ўшандан қолган асоратдан ўша номақбул давлат тузумини бошлаб берганлар-у, унга мажбурий бўйсундирилганлар ҳам қутуллолмай келадилар... Собиқ ижтимоий тузумни тиклашга уринаётганлар — яна бошқалар ҳисобига яраб-яраша иштиёқда куйиб-пишиб Россия халқини ишлаш ўрнига нуқул исён-у, митингларга даъват этаётганларини тўшуниб етмаслик учун руҳий хаста бўлиш керак... Бизга ато этилган буюқ Истиқлолга қарши бош кўтариб, умумий араб халифалиги ёки ислом давлатини курашимиз деб, фитна қилаётганлар ҳақида ҳам худди шу фикр-мулоҳазаларни айтиш мумкин. Буларнинг бирортасида ҳолис, муқаддас бир покиза ниёту, мақсад йўқ!..

Биз гапни мулкчилик ва мулкдорлардан бошлаб нега жаҳон миқёсидаги баъзи сиёсатларни эслаб ўтдик? Бунинг боиси шулки, юртбошимиз ҳар доим тараққиётнинг негизи — иқтисодиётнинг устиворлигига боғлиқ деб қўқириб келаётганлари маълум. Агар иқтисодиёт бир четда қолиб, нуқул сиёсат билан шуғулланиб келаётган мамлакатларнинг кейинги етти-саккиз йиллардаги аянчли иқтисодий муътебалигини бир кўз олдимизга келтирсак, ваҳима босиб кетади!.. Қаерда уруш бўлса, одамларни ўша ёқларга интилишининг боиси ҳам асли шу бўлса керак. Демак, ҳар бир иқтисод сиёсатсиз ёки сиёсат иқтисодиётсиз яшай олмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Мамлакат иқтисодини кўтариш эса, жаҳондаги барча ривожланган давлатлар тажрибаси асосида мулкдорлар табақасини кўпайтириш, тадбиркорликни илҳом борица кенгайтириш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериши — давлат сиё-


сати даражасига кўтариш заминидангина амалга ошажаги муттасил таъкидланиб келмоқда. Бу соҳада талай ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Кейинги Сессияда нодавлат ва жармоатчилик ташкилотларига кўпроқ эркинлик берилиши ҳақидаги кўрсатмаларнинг асли моҳияти ҳам халқимиз иқтисодиётини, турмуш шароитларини тобора юқори кўтаришдан иборат бўлиб чиқади. Одамлар бой бўлмагунча — давлат бой бўлолмайди, деган фикрни раҳбаримиз муттасил таъкидлаб борадилар. Одамларни бой қилиш эса, мулкдорлар синфини юзага келтириш деган сўзидир. Модомки, бизнинг мулкдорларимиз қанча қудратли ва қанча салоҳиятли бўлсалар, Ватанимиз, миллатимиз ҳаёти шунча яхшиланишини кутамиз. Бунинг учун эса, ҳар бир мулкдор жамиятдаги ўз ўрнини теран идрок этиши, шу билан бирга у ўзини жамиятнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этиши керак. Шундай сифатларга эга бўлган мулкдорлар табақаси тараққиётимизнинг негизи бўлиб қолади. Демак, мулкдорларнинг фақат моддий бойлиқига эришиш эҳсон, юксак маърифатли, маданиятли ва шуларнинг улус натижаси бўлиши — бой маънавий қўйғоғи ҳам эга бўлиши талаб қилинади. Айна шундай мулкдорлар машъум тузимдан илгари сероб эдилар, уларни шўролар қамади, сургун қилиб, отиб ташлади, хуллас кириб юборди. Уларнинг авлод-аждодлари эса, бири хорижга қочди, бири юрагини ҳовучлаб, ҳеч нарсага яроқсиз қашшоқ, гадо, муъте бўлиб қолди. Энди эса, ишбилармон, тадбиркорлар шу вақтгача, яъни Истиқлолимиз даврида янгидан шаклланиётган табақалар ҳали тўла талабга жавоб бера олмаган даражага етганлари йўқ... Ишлари юришиб кетганлардан баъзилари ногиронларга ёрдам беришмоқда, баъзилари камхарж оилаларнинг ўғил-қизларини тўғилларини ўтказиб бермоқдалар ва ҳоказо. Айримлари эса, фирма ташкил этиб, пулни конвертация қилишдан ноиллашади, майда-чуйда олибсатарликдан нари кетолмай юрибдилар...

Давлатимиз ва раҳбарларимиз муттасил таъкидлаб келаётган катта муаммоларни мақсад қилиб олаётган ишбилармонлар ҳамон етарли эмас-да. Тўй, ногиронга ёрдамни ҳеч қим қораламайди. Аммо мулкдор ёки бойнинг фаолияти шу билан чекланмайди-ку?! Мулкдор шу қадар салоҳиятга эга бўлсинки, у давлат миқёсидаги гоат муҳим, катта-катта масалаларни ҳал этишда иштирок қилсин. Уз олдида жуда долзарб катта мақсадни қўйиб, шунга томон интилсин. Тўй, ҳашам, муҳтожларга ёрдам шу йўлдаги амалга ошириладиган ишларнинг кичкина бир қисми бўлиб қолсин. Агар тадбиркор хориждан технология олиб келиб иш бошлашнинг мақсад қилиб, бутун куч-ғайратини шунга йўналтирса, ниятларини амалга оширишга эришса, — чинакам қудратли мулкдор даражасига кўтарилишини мумкин бўларди. Бундай мулкдор битта-иккита муҳтожга ёрдам ёки тўй ўтказишга қилган ёрдамга маҳлиё бўлиб юрмайди-да, керак бўлса, давлат миқёсидаги эҳтиёжларни қондиришга бора олади.

Демак, у давлат миқёсидаги барча ишларда фаол, бевосита иштирок этадиган шахс бўлиб қолади. Бунинг учун мулкдорларимиз табақасининг фақат иқтисодий мавқени эмас, маънавий дунёсини ҳам юксалтиришни бугунги замон тақозо этиб турибди. Зеро, ҳар бир мулкдор — бизнинг ҳаётимизнинг ажралмас қисми экан, биз эса — бутун жаҳоннинг ажралмас бир қисми эканмиз. Ер юзидagi барча воқеа-ҳодисалар (ҳо ижобий, ҳо салбий бўлсин) республикамиз, халқимиз, демак ҳар биримизнинг ҳаётимизда бирон йўсида акс этади, бусиз ҳаётнинг ўзи йўқ... Фақат бу жараёни биров билади, биров билмайди. Дунё ҳаётининг ёзилмаган бу қонунятдан ҳеч бир жонзот четда турулолмайди, чунки бу ҳолат ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган тарзда давом этаверади...

Мулкдорларимиз юксак маънавий оламлари, чуқур, кенг қўламли тафаккурлари билангина воқеа-ҳодисалар моҳиятига етиб борадилар. Шундангина улар жамиятнинг қон томирига айланадилар...



Саноат

ХУШБЎЙ ЧОЙЛАР

(Суратли лавҳа)

Пойтахтимизнинг Сирғали тумани Сайфи Олим кўчасида жойлашган «Анипра Им-пекс ЛТД» (Хиндистон) хорижий корхонаси 1992 йили ташкил топган. Инвестиция лойиҳаси 2 миллион, Низом фонди эса 510 минг АҚШ долларини қийматида қайд этилган мажур корхона Хиндистоннинг Ассам штатидан хинд қора чойларини келтириб, қадоклаш ва сотиш билан шуғулланади. Шунингдек, у турта ўзбек-хинд қўшма корхоналарини бирлаш-

тирган бўлиб, туризм ва бошқа турли хизматларни ҳам бажаради. Мақсади — Ўзбекистон озиқ-овқат бозорини арзон ва сифатли хинд қора чойлари билан тўлдирши, унинг ассортиментини бойитишдир.

— Корхонамизда айна кундан бир сутка давомида 1,2—1,3 тоннадан зиёд «Тожд Индия», «Тожа чой», «Магол Пхорат» каби хушбўй ва кўнгилкуш чойларни қадоклаб, сотиш учун тайёрлаб бераёلمиз, — дейди директор ўринбосари Муслим



Мухсимов. — Махсулотларимизнинг доимий мижозлари пойтахтда. Шунингдек, виллоятларда иш юрифтаган савдо фирмалари ҳамдир. Биз яқин кунларда қўшимча цех очишга ҳозирлик кўраёلمиз. Бунинг учун замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу цехимиз ишга тушган 250 граммлик чойларни қадоклашни йўлга қўямиз, ҳамда қўшимча иш ўринлари вужудга келади.

Тадбиркорлар доимо изланишда. Шунинг учун фақат чой қадоклаш билан чекланиб қолмай, идиш-товок, ванна, умувальник, биллур идишларни ювадиган «Инди-номли ювчи воситасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

Корхонада айна вақтда 70дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ўртанча ойлик маоши — 5-6 ми-

нг сўмни ташкил этмоқда. Хизматчилар ҳар кўни бепул иссиқ овқат, шунингдек иш кийимлари билан таъминланганлар. Моддий ёрдам тариқасида рағбатлантирувчи маблағлар олиб туришади.

Айна кунларда, жамоа ходимлари хорижга, қўшни республикаларнинг йирик шаҳарларидаги бозорларга чойларни экспорт қилиш режалари бўйича қизгин ишлар олиб боришапти.

Солиҳ ЗОИР.
СУРАТЛАРДА: «Анипра Им-пекс ЛТД» қўшма корхонасининг чой қадокловчи оператори Жаҳонгир Беғматов, ишчилардан Мастура Ибрагимова. Зияда Дадақўзиёва ҳамда цех бошлиғи Тўлқун Пулатовлар қадокланган чойларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.
Муаллиф олган суратлар.

Устозлар ҳақида

ЁШ АВЛОДГА БАХШИДА УМР

Раҳима опа сўнги назорат иши дафтаришни текшириб бўлганида тонг оқариб бошлаган эди. Узоқ-яқиндан хўрозларнинг жўрозга кичириклари қўлоққа қалина бошлади. Тўни билан ўтириб чиққанга қарамай, у ўзини теглик ҳис қилар, руҳиятида чарқ-сарқ сезмас эди. Эҳтимол, бундай шў-шаддот ёшлар билан ишлагани учун шундайди. Ахир болалар билан ишлашнинг ҳам узига хос гаши бор-да...

Ҳаёлидан шундай фикрлар кечаркан, Раҳима опа болалик йилларини эслаб кетди. У иккинчи жаҳон урушининг энг оғир йилларида дунёга келган эди. Бутун дунёга даҳшат солаётган фашизм балоси нафақат норғул йигитларга қирон келтирган, балки халқнинг тўкин дастурхонини ҳам қўқлаб кетганди. Уруш машаққатларига йўқчилик, турмуш ташвишлари ҳам қўшилиб, қийин бир аҳвол юзага келган эди. Аммо одамлар тўқис ҳаётни, тўкин дастурхонини ёддан чиқарган бўлсалар-да, меҳр-оқибатни, раҳм-шафқатни унутмаган эдилар. Шуларни уйлабми, Миродил ахв ва Бибижохар опа-лар мажун кўнглиларига маънавийлик бағишлаган чақалоққа Раҳима деб исм қўйишди.

Раҳима қатагоннинг сўнги ҳамласи бошланган йилларда пойтахтдаги Абдулла Авлоний номидаги 40-мактабга ўқишга борди. Унинг ўқувчилик йиллари ҳам болалиқнинг илк даври каби машаққатларга тўла бўлди. Аммо, ҳар қанча қийин бўлмасин, илгари ташналик, янгиликка ўқили учу сир синоплатлар оламига ошно қилаверди. 1962 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига бошлаб келган бу қизиқ хали-ҳамон уни тарқ этгани йўқ.

Институтни тугатиб, ёш мутахассис бир муддат Сейсмология институтинида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Кейинчалик Полиграфия техникумида математика фанидан ёшларга сабоқ берди. Бирок мактаб, ўқувчилар меҳри баридан устун келди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, бир пайлар ўзи таълим олган жонзот мактаби кўчига қайтди. Раҳима опа мактабни уйим, ўзи сабоқ бераётган ўқувчиларини эса ўз фарзандларини деб билди. Шу босидан ҳам эл назарида, ҳамкасблари, аниқсаноатчи, ўқувчилари олдига ҳурмату эътиборда бўлди.

Раҳима опа ўз касбини, ик-

кинчи уйига айланиб қолган мактабни, ўз дилбандларидек бўлиб қолган ўқувчиларни ҳар қанча яхши кўрмасин, аммо оилани унутиб қўймади. Рўзғор ташвишларини ҳам турмуш ўртоғи билан баб-баравар кўтаришга ўзида куч, матонат топа олди. Натижада қизларини олий маълумотли, қўли гул чевар, моҳир пазанда қилиб турмушга узатди!

Ўзи эса юз билан юзлашаётган пиру бадавлат қайнонаси билан ўттиз йилдан буён она-болалек ақин, сирдош, ҳам-қору ҳамроз бўлиб яшаб келаяпти.

Шуни айтиш керакки, математика «оғир» фанлардан ҳисобланади. Бу фан ўқитувчиларига баъзан ачиниб, ҳамдардик билан қарашади. Лекин Раҳима Миннорова бу фикрга мутлоқо қўшилмайди. Аксинча, математика, болалар кўнглига йил топа олсангиз, жуда қизикарли, ҳатто мафтункор соҳа деб ҳисоблайди у. Фазага ўчишни оруз қиласизми, мураккаб техника-технологияларни жиловланиши истайсизми, улкан иншоотларни бунёд этасизми — ҳаммасида сизга математика ёрдамга тайёр. Узиз тараққиётни тасаввур этиш қийин, шуларни мурғак қалбларга сингдира олсангиз, болалар кетингиздан эргашаверади, дейди опа.

Раҳима опа ҳозир нафақадан. Аммо ҳали ҳам ёшларга хос ғайрати жўш уради. Роҳатни меҳнатда деб билади, ўқувчилар орасида бўлса, дам олади. Умри давомида зарралар билан келажак бунёдкорларининг маънавий оламини бойитиш учун ўзида куч-қудрат топа олади. Чўки унга устозлари — М. Муҳиддинов, М. Каримов, С. Раҳимов ва Л. Саъдуллаевлар худди шундай таълим берган эдилар.

Устозлари йўлидан оғишмай бораётган Раҳима Миннорованинг юзлаб шогирдлари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, мамлакат ободлигига, Истиқлолимизни мустақамлаш ишига муносиб ҳисса қўлиб келишяпти. Меҳрибон устозлари улар қалбидан ёққан Ватанга ва халқига меҳр чироғи садақотли шогирдларини ҳамма эзгуликка, кўпчилик манфаати йўлида фидойиларча меҳнат қилишга ундаб келмоқда. Бу эса устоз меҳнатининг энг муносиб тақдирларини десак муболага бўлмас.

Саноатхон ҚУРБОНОВА,
Бектемир туманидаги Турор Рискўлов номи 290-мактаб ўқитувчиси.



Миробод даҳасида қад кўтараётган янги уй.

«Оқшом»га хат

МУАММО ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Биз Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «Кўйлик-1» мавзесида истиқомат қиламиз. Мавзеимизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб яшашади. Иссиқ-совуқ маъракаларда бир-биримизга маслакдош ва кўмакдошимиз. Шу боис ҳам ҳозирги ўтиш давридаги баъзи қўйинчиликларни енгиб ўтишимиз осон кечмоқда. Аммо гўзал ҳаётимиз ва фаровон турмушимизга соя солиб турувчи айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Аслида-ку бунинг муаммо дейишга ҳам тил бормайди. Қолаверса, уни элга ошқора қилиш ниятда эмасдик. Бироқ айрим мутасадди ташкилот раҳбарларининг лоқайлиги сабаб арзи-ҳол этишга мажбур бўлдик.

Энди муаммога келсак, боё атганимиздек, бу даражада катта эмас. Аммо муаммонинг каттаю кичиғи бўлмайди. Ҳамма нарса майдадан бошланади. Мавзеимиз қурилганига ўн етти йилдан ошди. Шу давр мобайнида кўчамиз бирор марта таъмирлангани йўқ. Дастлабки йилларда асфальт ётқизилгани бўйича турбди.

Бугун юртимизда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги иморатлар, осмонўпар иншоотлар қад ростламоқда. Булар эса ўз навбатида юртимизни чиройига чирой, кўрқига кўрқ қўшаётди. Шундай бир пайтда шаҳар ўртасидаги кўчамизнинг бугунги беҳўшвор қиёфасини кўрган киши ранжиши, таъби хира тортиши табиий.

Биз бу муаммони ҳал этиш учун ёрдам сўраб бир неча марта туман ҳокимлигига ва бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай ижобий натижа бўлмапти. Ахир, бундай ҳолатга қачонгача чидаш мумкин!?

Кўйлик-1 мавзесида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан:

Зурафо НАРЗУЛЛАЕВА.

Қадриятларимиз

САРХУМДОНЛИК ЧЕВАР

Сархумдонлик Рихсибиби маҳалладаги «Чевар хола» дейишарди. Мабодо кимдир унинг исмини чевар сўзисиз тилса эса «Бунга одам бизнинг маҳаллада яшамайди» деб, излаб келган одамни қайтариб юборган пайтлари ҳам бўлган.

«Чевар хола» ну ном билан фахранииб, ҳеч кимдан ранжмасди. Болдигида маҳалла чеварларига шогирд тушиб, ўзбек миллий кийимларидан тортиб, каштачилик санъатига билад олган бу аёлнинг бун вақти бўлмаган. Ризқ-насиба у қишида чеварлиги тўғрисида теварак-атрофдан келаверибди.


лас қўйлак, батис қўйлак ва бошқа ўзбекона либосларга ўрганиб қолишгани учун, бир-бирларига ҳавас қилиб, шунча миллий либослар кийиш учун тез-тез хархаша қилиб туришарди.

Ҳа, Чевар хола миллий кийимлари орасида эркаклар жазирама иссиқ кунларда кийиб юрадиган ятаклар ҳам бор эди. Одатга, таомилимизга кўра қадимдан миллий кийимларимизнинг бир қисмида тугмалар бўлган. Унинг ўрнига боғич бандлар бўлганлиги маълум.

Аяни бекорга «Чевар хола» деб аташмасди. Унинг каштачи, дўппичи номлари ҳам бор эди. Тоғора палак, ой палак, дорпеч, зардевол, гулқўрпаларгача қойилмақом кийил тиканлар. Турли хил тасвир, андозаларни қаламда ўзи чизган. Бу эса ҳозирги пайтда ўзига хос мусаввирлик ҳисобланади. Севги, муҳаббат, вафо рамзи учун гул, бўлбул, турли хил қўшлар тасвирларини ҳам айнан ўзидек чизиб, каштачилик игда, ипакларда жонлантирган. Тиккан дўппилари курвақа нухса, чаманда гул, ироқи нухса, марфион нухса, тус дўппи (тошкентликлар шундай номда тикишади, чуст дўпписидан фарқ қилади), деб номланган.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида бугунги кунда Тошкент дўппилари орасида Рихсибиби тиккан тошкентча «тус дўппи» ҳам муносиб ўрин олиб турибди. У республикамизнинг бирор виллоят дўпписига ўхшашмайди. Юпқа, энгил, чидамли бўлиб, қора сатом «тус нухсада» зич, чиройли, худди бодом гуллари очилиб тургандек кўринишда ўта сифатли тикилган. Бу дўппи ичига хитой ипак қоғозли пилта тикилгани учун ёғин-сочиндаям бошдан олинмаган, ипак қоғоз ивиб кетмаган. Қуриганда аслига келавериш хусусиятига эғалиги кўпларни хайратга солган. Рихсибиби тиккан нам ўтмас, сифати бузилмас дўппилар ҳақида Сархумдон маҳалласи аҳолиси ҳамон гапирди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.



Яккасарой туманидаги кўчалардан бирида.

Илгари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган табиий офатлардан бўладиган хатарларни камайтириш бўйича ўн кунлик доирасида мана, иккинчи йилдаки Тошкентда «Радиус» дастури фаолият кўрсатганига тўғрисида хабар қилгандик.

Утган вақт ичида намунали шахар сифатида Тошкентда табиий офатлар рўй берадиган тақдирда хатарлар ҳажмини аниқлаш ва йўқотишларни қисқартириш бўйича чораларни ўз вақтида қабул қилиш мақсадида шахар худудининг диагностикаси бўйича жиддий илмий-амалий ишлар бажарилди.

Яқинда шахар ҳокимлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар якуни ва «Радиус» лойиҳасига мувофиқ равишда келгусида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар режасига бағишланган симпозиум ўз иштини якунлади. Унда «Радиус» лойиҳасини Тошкент шаҳрида амалга оширишга жалб этилган олим ва мутахассислар, шунингдек, халқаро экспертлар ҳамда маслаҳатчилар қатнашди. Қўйида уларнинг амалга оширилган ишлари бўйича, шунингдек, «Радиус» халқаро лойиҳаси, республикамиз ва бутун жаҳон ривожланиши учун бугунги кунда ва истиқболда қандай аҳамият касб этиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан таништи- рамиз.

**А. МИРЖАЛИЛОВ,
«Радиус» халқаро лойиҳасини
бошқариш кўмитасининг хамраиси:**

— Мана бир йилдан ошдики, бизнинг олимларимиз, амалиётчи-мутахассисларимиз, шахарнинг даярли барча махсус хизматларининг вакиллари «Радиус» халқаро лойиҳасининг бажарилишида фаол иштирок этмоқдалар. Ушбу лойиҳа бизга 1966 йилдаги сабоқларни яна бир қарра эслатибди ва уларга янгиликча нигоҳ билан боқиб, маъзур табиий офатга ўзгача йўналиш билан ёндашишга ундади.

Шуни таъкидлаш кераки, Тошкент шаҳрида сейсмик хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш юзасидан бундай ишлар гарчи пойтахтда ва республикамизнинг бошқа минтақаларида табиий офатларнинг натижаларига барҳам бериш борасида катта тажриба тўплаган бўлса-да биринчи марта амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг қимматли томони шундаки, биз қўйлаётган халокатларнинг натижаларини кескин равишда қисқартиришга йўналтирилган чора-тадбирларни олдиндан ишлаб чиқишга муваффақ бўл-дик.

Шу муносабат билан биз котибият ҳамда «Радиус» лойиҳасини амалга оширишда қўллаб-қувватлагани ва муҳим эътибор қаратгани учун Хиндистон, Австралия ва Туркия эксперт ва маслаҳатчиларига катта миннатдорчилик билдирамыз.

Лойиҳа юзасидан хали барча ишлар якунига етмаган бўлса-да, бироқ биз ушбу йўналишда шахарнинг кўпгина хизматлари фаолияти фаоллашувига унинг таъсирини ҳис этиб турибмиз. Ва биз умумий кўчарлими билан «Радиус» лойиҳасини Тошкент шаҳрида амалга оширишнинг аниқ йўлини ишлаб чиқишга имкон туғдирадиган лойиҳа якунларига катта умидлар боғлаймиз.

Ўз томонидан шахар Ҳокимлиги «Радиус» лойиҳаси бўйича тадқиқотлар натижаларини амалий таъкиб этиш йўлида бундан кейин ҳам кўмаклар кўрсатиш борасида ўзининг бутун кўчарлини йўналтиради. Зеро, ушбу лойиҳани амалга ошириш давомида бажарилган барча ишлар ва келгусида таъкиб этиладиган юмушлар шахаримизни янада гўзалроқ қилиш, унинг аҳолиси фаровонлиги даражасини янада юқориюққа кўтаришга қаратилган бўлиб, бунга фақат умумий, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина эришиш мумкин.

**Т. РАШИДОВ, «Радиус» лойиҳасининг
илмий раҳбари, академик:**

— Маълумки, Тошкент юқори сейсмик худудда жойлашган бўлиб, шу сабабдан зилзилаларда хатарларни камайтириш масалалари биз учун ҳар доим долзарб бўлиб келган. Пойтахтда анчадан бери ушбу йўналишдаги ишлар амалга оширилди. Лозим даражадаги илмий-техник имкониятларнинг ташкил этилишига эса авваломилар шахарни 1966 йилдаги каттик зилзиладан кейин қайта тиклаш борасидаги тажрибалар хизмат қилди. «Радиус» халқаро лойиҳаси фаолиятимизда янги туртки бўлди, маъмурият, шахар хизматлари, илмий ва муҳандис ходимларнинг саъй-ҳаракатларининг мувофиқлашуви ва бирлашувига ёрдам берди. Халқаро экспертлар иштирокидаги учрашувлар ҳам фойдали бўлди. Шуни айтиш кераки, «Радиус» лойиҳаси биринчи навбатда «УЗЛИТИ»-А.Ж. сейсмология, геология ва минералогия, бино ва иншоотларнинг механика ва сейсмик бардошлилиги институтлари томонидан амалга оширилган бизнинг илмий ишланмаларимизни ягона бутун ҳолга келтиришга имкон яратди.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра биз махсус рисолатни тайёрладик ва унинг нусхалари турли хил идораларга тарқатилди.

«Радиус» лойиҳасининг Тошкент шаҳрида таъкиб этилиши давомида тўплаган тадқиқотлар асосида республикамизнинг юқори сейсмик худудларида жойлашган йirik шахарларида ҳам шу каби ишларни амалга ошириш учун дастур тайёрлаш ва бунда халқаро ҳамжамиятнинг тажрибасидан ҳам фойдаланишни зарур деб ҳисоблайман.

**Ш. ҲАКИМОВ,
«УЗЛИТИ» АЖ конструкциялар бўлимининг мудири:**

— Халқаро лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган грантни бизнинг мутахассисларимиз томонидан қанчалик кенг қўллангани ишлар бажарилишининг ҳисобга олинганда кичик бир томчиға қиёслаш мумкин. Ушбу ишларни озгина бўлса-да рағбатлантириш мақсадида биз «Радиус» лойиҳаси доирасида кейинчалик ҳам фаолият кўрсатиши мумкин бўлган махсус жағмарга ташкил этишни режалаштирдик. Бироқ, маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги сабабли биз лозим даражадаги манфаатдор кишилар доирасини тўплай олмадик. Ваҳоланки, ушбу жағмарга «Радиус» лойиҳасининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши — кишиларни ҳар қандай усул ва воситалар билан билимларини оширишдек ишнинг амалга оширилишига муҳим восита бўлиши мумкин эди. Жағмарга фаолият кўрсатганида унинг фаол аъзолари — манфаатдор раҳбарлар озгина бўлса-да бадал қилибди, «Радиус» лойиҳаси воситачилигида тадқиқотлар дастурига ўз ташкилотларини киритиш имкониятига эга бўлардилар ва шундай йўл билан натижалардан келиб чиққан ҳолда ўз бино ва иншоотларни мустаҳкамлигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўлардилар.

«Радиус» лойиҳаси бўйича ўтказилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкинки, шахарни муҳофазалаш муаммоси кенг қўламдаги харак-

терга эга бўлиши керак. Ушбу муаммонинг кучайишининг сабаби шахар худуди сейсмик ҳавфи баҳолаётганин ҳақорийлиги ва бино ҳамда иншоотларнинг табиий офатларга чидамлилиқ даражасини аниқлаш заруратиға келиб тақаллади. Ва айнан чидамлилиқ юзга келиши мумкин бўлган зилзилаларнинг ҳажми ва оғирлигининг натижаларини белгилловчи муҳим омил ҳисобланади. Ушбу омилни жамият бошқариши керак албатта, бироқ бу ишни олдиндан амалга ошириш даркор. Зеро, табиат ҳодисаси ўзини олдиндан билдирмади, у тўсатдан ва ҳар қандай пайтда содир бўлиши мумкин.

**Э. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳар факулдада ҳолатлар
бошқармасининг бошлиғи:**

— Маълумки, Европа, Осиё, Американин кўпгина мамлакатларида шахар департаментлари қошида кичик бўлимлар даражасида фаолият кўрсатувчи махсус хизматлар мавжуд бўлса-да, бироқ факулдада вазиятлар юз берганда асосий вазифалар ёнғиндан муҳофаза қилиш, бошқа махсус хизматлар зиммасига юклатилади. Шу сабабдан меҳмонларимиз — халқаро экспертлар республикамизда махсус давлат муассасаси — факулдада вазиятлар юз берганда барча муаммоларни мувофиқлаштирувчи Факулдада ҳолатлар вазирлиги фаолият кўрсатаётганининг гувоҳи бўлган, ҳайратда қолдилар. Яқинда унинг шахар бўлини маси қошида янги кўтарув хизмати ташкил этилди ва унга профессионал ходимлар танланиб, ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Шуни таъкидлаш кераки, бизнинг барча бўлимларимиз кераки ўқув-услубий адабиётлар, кўма механизмлар билан жиҳозланган. Қувонарли томони шундаки, утган йили Берлин шаҳри факулдада ҳолатлар департаменти бизнинг ташкилотимизга соға сифатида «Мерседес» фирмасининг барча зарур анжомлар билан жиҳозланган ўн та ихтисослашган машиналарини беришди. Хозирги вақтда улардан бизнинг ўқув машғулотлари ва бошқа режадаги тадбирларимизда фаол фойдаланмоқдамиз.

**О. МАМАСОЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Халқ
таълими бош
бошқармасининг бош
мутахассиси:**

— Шаҳримизда 357 минг ўқувчи таълим олаётган 344 та мактаб ҳамда 100 мингга яқин болалар тарбияланаётган 537 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Муаллим ва тарбиячилар факулдада ҳолатлар юз берадиган бўлса, уларига юкланадиган жавобгарлиқни яхши тушунадилар. Зеро, фалокатлар юз берган тақдирда фақат улар аҳолининг энг ҳимояланмаган ушбу қисми ҳаёти учун жавоб берадилар. Хозир болалар боғчалари, мактабларда болаларни табиий офатлар пайтида ва улардан сўнг ўз харакатларини мувофиқлаштиришга тайёрлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Ва биз, халқ таълими тизими ходимлари шунчалик оқсак муаммоларни кўтарган халқаро «Радиус» лойиҳасида иштирок этганимиздан хурсандимиз. Фаолиятимиз келгусида ҳам ҳамкорликда амалга оширилишига умид қиламыз. Шу сабабдан биз ваколатли ташкилотларни услубий адабиётлар, турли хил курғазмалар қўраллар, плакатлар ва видеофильмларни олиш учун кўмаклашишга ҳаққира- миз. Табиий офатлар тўсатдан юз бериши ва ҳар қандай киши бунда ўзини йўқотиб қўйишини ҳисобга олганда, ўйлайманки, ўқув-таълим жараёнига психология фанини махсус бўлим билан бирига киритиш лозимдир.

**ЖАНОБ РАЖИБ ШАУ,
Халқаро эксперт (Хиндистон):**

— Келгусидаги фаолият режасини тузишда мавжуд биналар зилзилабардошлилигини кўтариш чора-тадбирларига алоҳида аҳамият қаратишни, бундан ташқари мутахассисларни тайёрлаш бўйича ишларни кучайтиришни ҳамда турли даражадаги раҳбарлар учун доимий семинарларни ташкил этишни тавсия қиламан. Бундай хулосаларнинг асоси бор албатта. Гап шундаки, мен ушбу симпозиумга Ҳимолай худудидаги зилзилани тадқиқ қилгандан сўнг келдим. Маълум бўлишича, факулдада ҳолатлар бўйича департамент раҳбари юз берган ҳодисадан шунчалик ўзини йўқотиб қўйганки, ҳатто вазиятни бошқариш ўрнига ўзи жабрланганлар қаторига тушиб қолган. Демак, нафақат махсус хизматларни ташкил этиш муҳим, балки кадрлар, жумладан раҳбарларни тўғри танлаш, факулдада ҳолатлар юз берганда уларнинг оқилона харакатларини ташкил этиш жоиз. Шу сабабдан, «Радиус»нинг Тошкент гуруҳига ушбу йўналишда тегишли профилактик ишларни амалга оширишни таклиф қиламан.

Фикримча, ердан фойдаланиш қоидалари ишлаб чиқи-лиш керак, энг нозик жойларда эса фақат бог зоналарини куриш лозим бўлади. Янги биналар эса барча стандартларга жавоб бериши керак. Аҳоли сонининг ўсиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда янада кўпроқ уй-жойлар курили-шини ҳам унутмаслик керак ва хозирнинг ўзидаёқ ишончли биналар курилиши борасида тажриба тўплаш керак.

**Жаноб Ражиб ШАУ,
«Радиус» дастурининг бош маслаҳатчиси (Япония):**
— Мен «Радиус» лойиҳаси доирасида Тошкентда ўтказилган мажлисларда иккинчи бор қатнашдим. Ва шуни таъкидлаш кераки, бу ерда нафақат тадқиқотлар соҳасида, балки аҳоли ўртасида ҳам кенг қўламдаги ишлар амалга оширилган. Ва бошқа намунали шахарлардан фарқли равишда Тошкентда кўпгина масалаларда улкан олға сил-жишларга эришилди.

Тошкентда лойиҳани таъкиб этиш давомида қўрилган сейсмик хатарни бошқариш муаммоси барчани — шахар маъмурияти, илмий ходимлари, турли хил хизматлар мутахассис-ларни бирлаштирди.

Энг муҳими, Тошкентдаги «Радиус» лойиҳаси натижалариға кўра бизнинг мамлакатларимиз ҳам ўзлари учун кўп янги нарсаларни кашф этишди. Ҳамкорликдаги ишларнинг давом этишига ишониб қолам.

Муҳтарам ЦУНОЗАКИ, котибят ассистенти:
— Тошкент ва бошқа намунали шахарлардаги тадқиқотлар натижалари бўйича котибият томонидан жаҳоннинг ҳар қандай шаҳрида зилзилалар рўй бериши хатарини аниқлаш учун қўллана ишлаб чиқилди. Барча қатнаши шахарлар ҳамда хатарларни аниқлаш бўйича тажрибага эга бўлганларнинг ҳисоботлари ҳамма манфаатдор томонларнинг маълумот айирбоқлашлари учун интернет тизимига киритилди. Тажриба алмашиб эса «Радиус» лойиҳасининг яна бир муҳим қисми ҳисобланади. Котибият ўзининг охириги симпозиумини Мексиканин Тихуана шаҳрида ўтказди. У зилзилаларнинг хатарларини камайтириш бўйича ўн кунлик доирасидаги яқиний таъкиб бўлиб қолади ва унда намуна-ли шахарларнинг тадқиқоти бўйича барча маълумотлар на-тижалари билан танишиш мумкин бўлади.

Ўйлайманки, «Радиус» лойиҳасининг бош мақсади — зил-зилалар рўй берган ҳолда аҳолини хатарлар тўғрисида ха-бардорлигини оширишга Тошкент шаҳрида ва бошқа ша-ҳарларда эришилди.



Анжуманлар

**ЗАМОНАВИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ**

Биз тўғри овқатланишни биламизми? Ҳар доим ҳам таомларимиз танамиз бир меъёрга ривожланиши учун зарур ва тўла компонентлар- ни оладими? Бошқача айт-ганда, бизнинг овқатланиши- миз қанчалик мақсадга муво- фиқ?

Экология ва саломатлик кунлари доирасида «Экосан» жағмараси томонидан Республика Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги, «Ибн Сино» халқа- ро жағмараси, «Ўзбексавдо» АЖнинг қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилган халқа- ро конференцияда юқорида- тилган ҳақида сўз борди. Унинг ишида шунингдек, хо- рижий компаниялар ва фир- малар вакиллари ҳам қатна- шди.

Иштирокчиларнинг чиқи- шарлари кейинги йилларда аҳолини сифатли маҳсулот- лар билан таъминлашда ан- чатгина муваффақиятларга эришилганини таъкидланди. Бироқ шу билан бирига «Эко- сан» жағмарасининг раиси Ю. Шодимгаров таъкидла- нишда, аҳолининг айрим гу- руҳлари овқатлари турлари- да оқсиллар ва дармондор- ларнинг кам эканлиги, угле- водларни истеъмол қилиш ўсиб бораётганини тадқи- қотлар натижалари кўрсатди. Озиқ-овқат маҳсулотларида йоднинг етишмовчилиги

муаммоси ҳамон кескинлиги- га қолмоқда.

Бундан ташқари, ушбу муаммо ўз ичига овқатланиш гигиенаси омиллини ҳам ола- ди. Шу сабабдан аҳоли ўрта- сида кишиларнинг санита- рия-гигиена ва экология ма- даниятининг кўтарилишига имкон берувчи оммабон ада- биётларни кўпроқ нашр этиш ва тарқатиш керак.

Анжуман доирасида «Нав- рўз» мажмуасининг заллари- да бирда республика озиқ- овқат соҳаси корхоналари ва концернларида ишлаб чиқа- рилаётган 500 дан ортиқ маҳ- сулотлар намуналари қўйил- ган кўрғазма ҳам очилди. Конференция қатнашчилари, шу жумладан, хорижий ко- мпаниялар вакилларида «Уме- васабазавотузмусаноти» хо- лдинг компаниясининг маҳал- лий хом ашё асосида эколо- гик тоза болалар таомини чи- қариш бўйича янги лойиҳаси алоҳида кизиқти туғдириди. Кейинги йилнинг бошидан бошлаб пластик идишларда- ги йигирмадан ортиқ сабза- вот ва мевалар шарбатлари ҳамда бўтқаларини ишлаб чи- қариш йўлга қўйилди.

Ўз мухбиримиз,
СУРАТЛАРДА: кўрғазмага
қўйилган маҳсулотларнинг
намуналари.

Рашид Галиев
олган суратлар.



Кўрик-танлов

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Аброр Ҳидоят- ов номли Ўзбек Давлат драма театри биносида Ўзбекистон Республикаси Маданият иш- лари вазирлиги халқ ижодиё- ти ва маданият-маърифий иш- лар беклиги билан биргалик- та республика илмий усту- биёт маркази фольклор жа- моаларининг V аънавий республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда республика- камизда фаолият кўрсатаёт- ган ўн тўртта этнографик- фольклор жамоадан 400 ки- ши иштирок этди.

Биринчи ўринга Фаргона вилояти Қува тумани «Дўст- лик» этнографик-фольклор жамоаси ҳамда Қарши шаҳар Чақар маҳалласидаги «Нафас- клуби қошидаги «Гулчехра- лар» этнографик-фольклор жамоаси сазовор бўлди. Ко- рақалпоғистон Республика-

си ва Тошкент вилояти жа- моалари иккинчи ўринга му- носаб кўрилди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, Тошкент ша- ҳри Бектемир туманидан «Гав- ҳар» этнографик-фольклор жамоаси (раҳбари Ойхон Ёку- бова) ва Хоразм вилоятининг «Оразибон» этнографик- фольклор жамоаси аъзоси Олияхон Отамуродова «Энг кекса иштирокчи» сифатида Маданият вазирлигининг Фах- рий ёрликлари билан тақдир- ландилар.

Бундай кўрик-танловлар санъатсавар халқимизнинг маънавий-миллий кадриятла- римизга, аънаваларга бўлган муносабатининг ёрқин кўри- нишидир.

Маймура НАБИЕВА.

**Жалолоддин Мангуберди
таваллудининг 800 йиллигига**

**«ҚИРҒОҚДАГИ
ЖАНГ»**

Бу йил таваллудининг 800 йиллиги нишонланади- ган Жалолоддин Мангуберди ўзбек халқининг аса фарзанди, ватанпарвар, буюк саркардалардан би- ридир. Мўғул истилочиларнинг кўпчилиги кишилик армиясига биринчи бўлиб қақшатқич зарба берган, боқсичиларни кўп бор эсанқиратган мард ва жа- сур шахзода, моҳир лашкарбоши сифатида тарих- да ном қолдирган.

Тарихчи олим, журналист Хабибулла Зайнидди- новнинг «Жалолоддин Мангуберди» қиссасини кит- тобхоналар илиқ кутуб, олишганди. Яқинда у шу номдан романини ҳам ёзиб тугатди. Қўйида маъзур асардан нарчани эътиборингизга ҳавола этилмиз.

... Бизни ёрқади қодирни якто,
Фалақдин айлади бурқоки позил.
Шамолдай еларди ул, беписанд бутқул,
Яшиндай бир зумда кўчиб ўтқудай.
Қай туялар тенглашур унга шу толда,
Ахраман девни ҳам топтагуси шан...

(Қадимий ёзишмалардан).

Қавс ойининг бешинчи кун тоғи эди. Осмон шимша- дек тоза эканлигига қарамай, салқин шабада зерикти- рувчи киш нафасини уфурар, баъзан аён-аҳнда алла- қадардан пага-пага оппоқ булутлар паёнда бўлиб, оғир туя қарвониди оҳиста сузиб ўтарди.

Нилоб гузарининг баланд-паст адирликларига тута- шиб кетган кенгликлар жанг майдонига айланган эди. Хоразмшоҳ қўшинлари бу ерга келиб жамул-жам бў- лишгач, Жалолоддин ўз томони қўшинлари тўхтаган жойининг атрофларини қавлатиб, лашкарларини ёғий- лар ҳужумларидан сақлаш учун, жадалликда хандақлар билан мустаҳкамлаиб олишни буюрди. Кўёш ботиб, кўкни зулумот боса бошлаганда ҳар ёрларга девсифат ботир посбонлар қўйдирди. Тун посбонлари нечоғлик хушёр ва зийрак турсалар қўшин қоруволари ҳам шун- чалик зийрак-бедор турардилар. Мароғ ёв томонидан тун қоронғулигиндан фойдаланиб Жалолоддин лашкар- гоҳи томон писиб, ўрмалаб тил тутиш учун келадиган- лар бўлса, фидойий кўриқчилар ўрнини шу ондаёқ ўқ, қилич ёки ойилтола билан ҳунин қўлиб, тинчитган қўйи жавлон аттардилар. Шу хилда ёвуз душманин макр- хийлали айғоқчиларининг Хоразмшоҳ қароргоҳи ва лаш- каргоҳига айб-заҳмат етказишга йўл қўймасдилар.

Учинчи кун. Жалолоддин ўз қўшинлари жойлашган ерлар атрофини шахсан ўзи айланиб, қўздан кечирган ҳолда жанг учун нимаки зарур бўлса, боимкон қадар ҳаммасини тайёрлаб тахлатди. Оралдан ўтган гоёт қўсқа мударда ушоқлик билан қилган ишлар натижаси ўлароқ, Хайбар кўрғонидек, Балки, Хайбар эмас, ме- тиндай ёмирилмас мустаҳкам кўрғон вужудга келган дей- иш мумкин эди.

Уларга саркарданин ботир жангчиларининг барчаси жойлаштирилди. Ҳар қайси бир лашкарнинг савалтидек девкомат бўлган юзларча баҳодир лашкарбошиларини кўриб, саркарданин қўнгли бироз эмин топгандай бўл- ди.

Бу пайтларга келиб, Жалолоддин асосий жангларга энди ўз томини буткул шай қилиб қўйган эди. У ёғий- лар томони ва бошқа ерларни синчиқлаб қузатмоқ учун Нилоб гузариди бир баланд тепалик устига ясовули девкомат баҳодир юзбоши қиличбилан олқ тулло- рини йўрттириб чиқарди, душманлар қарор топаётган ерларни, уларнинг кўзга қалиниб турган қўшинларини бир мудард қўздан кечирди.

Мўғул қўшинлари шунчалик кўп эдики, қўй тоғу тош- лар ҳам уларнинг пойдақамларидан бўш қолмагандек кўринарди.

Жалолоддин чор атрофларга ҳам назар ташлаб, ўзи- ча нималарнидир чамаларди. У минган нор туюдек бур- қок исмли оқ туркман аргумоқ сувлигини чайнаб, бети- ни уйноқлар, оғзидан кўпик сачратиб пишиқурар, жанг майдонига ўқдай ташлашни учун ҳўжаси қўлидаги юган- ни дам-бадам юлғиб тортар эди. Олислардан эса ноғо- ларининг гўмбур-гўмбур садоси, бургуларнинг овози, одамларнинг ҳайқирликлари, отларнинг асабий кишна- ган овози, ерни зил-зил қилгудек дупур-дупурлар ку- локча қалиниб турарди.

Жанг майдонининг Жалолоддин томониди орқа ер- ларга ҳам аллақачон кўпгина ўтов ва чодирлар тикил- ган, у томонлар ҳам хандақлар билан мустаҳкамланган эди.

Кўп ўтмай, Жалолоддин рўпарасига чопар от елди- ри келди-да.

— Ол... Оламчон, ёв қўшинлари тобора олдинга қараб силжишда давом этуб яқинлашмоқ-да! — дея бир томонга қийшайиб йиқилди ва ҳаял ўтмай жон берди. У кўп жароҳатланган, жароҳати оғир эди. Унинг қилич кесиб кетган дубулгаси тағидан хали ҳануз қон юзи узра оқиб тушар ҳамда каттик қыраланган елкасидан ҳам қон тўхтамай сизиб турарди. Ерда узала ётган жангчини икки навқар кўтариб четга олиб кетди. Қўринишдан бу жангчи ганим навқарлари билан баҳодирона олишган- лиги шундоқ билиниб турарди. Жалолоддин ахволнинг ўта оғирлашганлигини тушуниди. Шу пайт баланд бўйли баҳодир саркарда Темур Малик от чоптириб келди.

— Душманинги суворий ва пилдларининг иборат катта кўчи йўлни кесиб, довон томонга силжишмоқда, жовонғори гузарининг юқорисинга қараб бостириб ке- лаятвур. Вазият қалтис, аъло ҳазратлари, — деди у ба- ланд овозда.

— Ха, буни фаҳлаб, сезиб турибмен улуг амир жа- ноблари...

— Ҳўш? — Темур Малик савол назари билан Жало- лиддинга қаради. Унинг тимқора кўзлари қааскорона чакнади.

— Айғоқчиларининг келтураётган хабарларига қара- гонда Чингизхон қўшинлари бизнинг қўшуларга нис- батан даярли беш ҳисса кўлга ўхшайдур, — деди Жа- лолоддин бамайилхотир совуққонлик билан. Унинг ово- зидан ҳеч бир саросима, безоватлик аломатлари мутла- қо сезилмасди.

— Демак...

— Демак, «Тошга солу, бахтингдин кўр» дегандек, душман бирлан муҳораба қилмоқдин ўзга чора йўқ.

Бу ерга Жалолоддиннинг қақириниға бинсан лашкар- бошилар — Аминал Мулк, Музаффар Малик ва Ихти- риддин Хорлушлар ҳам етиб келишди. Улар ҳам бир оғзидан ахволнинг танглигиндан хабар қилдилар. Жало- лиддин бундан бўён иш энди борган сари жиддий тус олаверишни яхши анлар эди. Шунинг учун у, ўз ик- тирлариди қолган жами олтимш мингдан зиброқ кў- шинларини яна бир бор қўздан кечириб ҳамда жангга шайлашни ва энг муҳими, собит қадам ила туриб, ёғийларнинг биринчи ҳужумларидиёқ Хоразмшоҳ қўши- ларини ажратиб ташлаб, уларни ўз макр тўрига илин- тирмоқ ниятида орталардан қувишга бўлган уричиш- ларга қатъий йўл қўймади, токи, фармон бўлмағунча лаш- карлар фекат ва сўзсиз муҳофиза туриб, эгалланган жойла- ридан бир қадам

«ҚИРҒОҚДАГИ ЖАНГ»

(Давоми. Боши 3-бетда).

Кун аста-секин чўкиб, тун ўз қора чодирини чор атофрога ёя бошлади. Ёмғирдан сўнг ювингандай янги ой ўроғи осмоннинг фарб томонида қиличдай ярқираб турарди. Жалолиддин вазият ниҳоятда қалти эканлигини ҳамда етарли кучга эга эмаслигини ҳам ҳисобга олиб, чекинди. Ҳинд дарёсидан кечиб ўтишни мўлжаллаб кўрди. Бироқ кун чиқарга қараб чўзилиб кетган кенгликнинг ўртасини кесиб, тоғлар оралаб шовуллаб оқётган дарёни бу ерларда осонликча кечиб ўтиб бўлмасди, чунки, сал наридан нишаблик бошланиб, сув асовланиб, ҳайқириб оқар, бошқа ерлар тик баланд жарликлардан иборат эди. Лашкарларни омон сақлаб қолиш эса ғоят зарур эди. «Оқимнинг юқорик қисмидан уриниб кўрмоқ керак», дилидан ўтказди султон, ўза чора йўқлигини чўкур ҳис этди. Бу вазифани бажаришни уйдабурон, тажрибадор мингбоши пахлаван Бадриддинга топширди.

Душман айғоқчилари Жалолиддиннинг бу ҳаракатидан ҳам дарак топиб, уни мўғул ҳукмдорига етказишди. Чингизхон бундай хабарни ашитгач, ҳар қандай талофот кўриб бўлса ҳам ҳоразмликларни қўлдан чиқиб кетишларига йўл қўймади ва айникса, Жалолиддинни тирик қўлга олиш учун ўзининг кўрсатмаси ва қатъий фармони берди.

Оқшомлари душман томон ҳам, Жалолиддин томон лашкарларидан ҳам қўйилган кучли посбонлар ўз лашкарларини хушёрлик билан кўриқлар, ўта хавотирли пайлар бўлган учун ҳар иккала томон ўз ҳукмдорларининг буйруғига биноан улар ҳатто ўз сояларига ҳам эҳтиётлик ила қараган ҳолда доимо жангвор уюшқоқликда турарди.

Шу кун Хоразмишох қароргоҳга кеч қайтди. Теварак-атроф сукунат қўйнига чўмган. Улкан чодир табақсининг икки ёнида узун найзалар тутган қўролли наварлар жиддий қиёфада пойқоқчиликда сергак ва хушёр турарди. Ичкари эса пориллаб турган шамчиқроқлардан чарогон.

Ойнечак бу пайларда эндагина икки ракат ҳуфтон номозини ўқиб бўлиб, ёлғиз дилбандини ҳар вақтдагидан қўра, ғоят соғиниб, сабрсизлик билан кутаётган эди. У ўғлини шодон қарши олди. Жалолиддин ҳам ҳамма билан хол-аҳвол сўрашди. Сақиз ёшлардаги дурқунгина суюкли ўғли Жамолиддин ва олти ашар қизчаси Гўлобимини оталик бағрига олиб, меҳр билан эркалади, юз-кўзларидан қайта-қайта ўпди. Сўнг оқватланиш олдидан қўлларини ювиб, турли ноз-неъматлар қўйилган дастурхонга яқин ўз жойига келиб ўтирди. Ҳамма дастурхон атрофида жамулган бўлиб, давра олишган музолимадан олтин суви югуртирилган чинчи лаганларда сурланган қалқик гўшти бостирилган зирворли хушбўй лаззатли палов келтирдилар. Аввал Ойнечак, Жалолиддин, кейин бошқалар оқватланишга киришдилар. Ҳар нарсани тўғри мушоҳада қиладиган Ойнечак ўғлига зимдан оналарга хос зийраклик билан нигоҳ ташлар экан, «Еши ҳам улайиб қолди, энди бир вақтлардаги шунқор ила шикорбозлик қилиб, от ўйнайиб юрган бўлса эрмас, балки, расмий юрт сўрайдуврон забардаст ёшдаги султон. Қарийб ўттиз ёшларини ҳам қоралаб қўйди. Илоҳим болаганим — баҳодирнинг умрини узок қилсун, ўйлогон йўллари, эзу ниятларини етказсун», — дея ичидан дуо қиларкан, у яна унинг ўйчан чекрасида юрак-бағрини ўртаётган аллақандай чўкур дард-алам исканжасида қолганини ва лекин буни онасига ва бошқаларга зинҳор сездирамасликча тиришаётганлигини ўз ўғлини яқин билган она шундоқгина пайкади: «Ҳар қалай ўғлимнинг ишлари яқин эрмасча ўйлайдур. Илоҳим, поко парвардигор олам жигарбандимни ўзи қўласун!» — дея яна қўнғилдан ўтказди у. Таом ҳам ейилди бўлибди. Ойнечак бу сафар дастурхонга одамдагидан узокдан узок дуо қилди. Утиб кетган ҳамма қиқилари — марҳумларни ёдга олиб, улар ҳақиқга ҳам тиловат қилиб, фотиҳа тортиди, хизматкорлар улар олдига дастўйди, кумуш қўмғонда иссиқ сув ва сочик келтириб, қўл ювдиранди тўтди. Ҳамма қўлини ювиб, сочиққа артиниб бўлишгач, Ойнечак ўғли билан ҳўл гаплашмоқ ниятида бошқаларга қараб, ичкари бўлмага ўтинлар, дегандек имо қилди. Она-бола танҳо қолгач, Ойнечак бир дақиқа тарадуддан кейин сўз бошлади:

— Кўчларимиз етарли эрмас, деб эрдинг, шунга қарамай мўҳораба қилдурисизларми? Бу Чингизхон деган худ до беҳабар, ноқисс дажоликнинг ўзи одамхўр лашкарларини бошлаб бунда келубдур, деб эшитодурмен ўғлим, шул ростибудур?..

Жалолиддин онасининг сўзини эшитиб, хаёли қочди, сўнг оғир бир тин олиб, деди:

— Оре, рост! Эҳтимол мўҳораба ҳам бўлур. Ёғийлар изимизга қаттиқ тушгон, меҳрибон волидам!..

— «Эҳтимол» деган сўзининг қандай тушунмоқ керак, ўғлим?

— Ха, у шулки, биз бир бўлса ишни мўҳорабагача етказмай, балки, бошқа бир чора излаб топишга ва дағи вақтинча чекиншга ҳаракат қилмоқни ўйламоқдуримиз. Оллоҳ ўзи қўласа эҳтимол шундай ҳам бўлур...

Ойнечак ўғлининг сўзларини тингларкан, беихтиёр бир кун олдин кўрган туши ёдига тушди. Тушда у йўлда беҳосдан йиқилиб тиши синиб тушди, ўтовга келса у алағча олиб ёнаётган эмиш. Ёнғин орасида қилиб кетган бир неча киши ҳам ёнишар, уларнинг жон ҳолатидаги қичқирликларни эшитибди, унинг юрак-бағрини ўртаб, бироқ Ойнечак уларнинг кимлар эканлигини билмай турар, атрофда эса ўзидан бошқа ҳеч оғ йўқ эмиш. Бир зумдан кейин, ўзини ҳам қўзга кўрмасан аллақандай ғайри табиий куч чўкур қоронғилик сари бошлаб кетган эмиш. Ойнечакнинг бу тушидан дили жуда ғаш тортиди-ю, аммо буни ўғлига гапирмади: «Манглайга ёзилгон бўлудур, тангридин неки келса, бисмиллоҳ, дея они мардона қабул этмоқдин ўза чора йўқ!» — деди ичиде қатъий қилиб. Сўнг бўйнидаги олтин занжирли туморин қичариб, уни ўғлининг бўйнига меҳр ила осди:

— Бу тумор улуг жаддинг — бобоқалонинг Абулмузаффар Жалолиддин Отсизнинг тумори эрқандур, жигарпопар. Она менга Оллоҳ раҳмат қилгур жаннатмақом бобо-н Алоиддин Текашон ҳазрати олийлари фоний дунёдин кўз юмаётгон пайтинда падали бузрукворингга эрмас ва ёхуд бирор бошқа фарзандларингга, набираларингга эрмас, ёлғиз сенга қолдиришмоқни охириг васыят қилуб менга бериб эрдилар. Негаки, ул ерқин нури бобоқалоннинг сенга меҳри ўзгача эрди. Ҳар маҳал сени «Хабтмининг гавҳари шамчиқроғи» дердилар ва кўпроқ сени ардоқлаб, эъзозлаб, ер-қўкка ишонмасдилар. Ул маҳалда сен хали кичик эрдинг. Шул боис туморин мен кўз қорачўндай сақлаб келдим. Тангрига минг қатла шукрулар бўлсун-ким, бугун мен ая шул омонат васыятларин адо қилдурмен. Садаққоллоҳ азим! Эмди менинг ҳам охириг васыятим... — У «васыятим» деган сўзни беихтиёр айтишга айтиди-ю, лабини бир қимтиб, эткиди. Эт-эти жимирлаб, шу алфозда бир дақиқа унсиз тургандан кейин, яна ўзини мардона қўлга олиб, сўзиде давом этди:

— Одам атодин берли ўзи бу фоний дунёнинг ишлари шундай эркан. Ҳар ҳолда жон бор ерда, жоним болам, қаю ҳам бўлудур. Ҳеч кимарас бул дунёга устун бўлгон эрмас. Булар тақдирда бор гап. Бунга тан бермасликнинг илоҳи ҳам йўқ... Бул туморни бўйингидин харгиз тушурмаёйсен. Ул ҳосиятқил тумор улуг аждодларини асрагондек, иншооллоҳки, сени дағи жамики офату балолардин асрагай, — деди вазминлик билан.

Хабибулла ЗАЙНИДДИН.

(Давоми бор).



Акмал Икромов тумани 124-мактаб жамоаси ва ўқувчилари учун Ҳамидулла Раҳматуллаев вақин дўст, қадрли маслаҳаттўйидир. Истеъфодаги подполковник, Ўзбекистон Қуроли Кўчлари фахрийси бўлмиш бу инсон ёш авлодга ёзи таътиллари қандай ўтказиши, юқори синф ўқувчиларига эса имтиҳонлари муваффақиятли топшириши, келажакда ўз орзулари ушалиши учун қимматли маслаҳатлар бермоқда.

СУРАТДА: Ҳамидулла Раҳматуллаев мактаб ўқувчилари даврасида.

Засим Соколов олган сурат.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Навий вилотида қўл жанги бўйича Ички ишлар ходимлари ўртасида республика чемпионати бўлиб ўтди. Унда республика Олий ўт ўчирувчилар билим юрти, республика Ички ишлар вазирлиги академияси, Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси вакиллари иштирок эттиди.

Дилшод Ербеков, Темир Туляков ва Темир Сулаймоновлар хурмат шоҳсупасининг унчинчи поғонасидан жой олишди.

ФОЛИБЛАР — ШАҲРИМИЗ ВАКИЛЛАРИ

Шаҳримиздаги «Тўқмачи» футбол майдонида муай-тай спорт турми бўйича хайрия турнири ўтказилди. Ушбу турнир Яқсарой тумани ҳокимлиги, республика муай-тай Федерацияси ва бошқа ҳомий ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилди.

Кизикарли ўтган ринг жанглирида Андижон мактаби ҳамда пойтахтимиздаги «Абсидиан», «Кўшбеги», «Азамат», «Рустам» номли муай-тай спорт клубларининг моҳир курашчилари иштирок эттиди.

«Муай-тай — наркоманияга ва бузғунчиликка қарши» шиори остида уюштирилган беллашуварларда ўн тўрт жуфт курашчилар ўз ваазналарида маҳоратларини намойиш этишди. Ҳар бир ринг жангидан сўнг таниқли хонандлар эрсузда қўшиқ ва концерт дастурлари намойиш этилди. 48 килограмм вазнда Қозоғистон президенти кубогининг

Шожапол ШОҚОСИМОВ.

Шахмат

СУЛОЛА МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Самарқандда поёнига етган республика болалар ва ўсмирлар биринчилигида даярли барча вилотлардан вакиллар катнашганлиги қувонарлидир. Ўғил ва қизлардан ташкил топган жамоалар ўртасидаги қизгин баҳсларда майдон эгалари — самарқандликлар голиб чиққанили қутилмаган ҳодиса эмас. 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жохон чемпиони, 20 ёшгача спортчилар орасида эса Осие вице-чемпиони, халқаро мастер Иброҳим Ҳамроқулов, уқаси Журабек, синглиши Шаҳноза ва бошқалардан иборат бу терма жамоа биринчи соврин билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри шахматчиларига, учинчи қашқадарёликларга ва тўртинчи поғона Тошкент вилояти вакилларига теғди.

ГРОССМЕЙСТЕР ГРОССМЕЙСТЕР-ДА!

Аёллар ўртасида навбатдаги 57-республика чемпионати Қарши шаҳридаги шинамгина шахмат клубида ўтказилди. Олий лига катнашчилари ўртасидаги баҳслар икки ҳафтача давом этиб, шинавандалар ундан баҳраманд бўлдилар. Чемпионлик учун кураш асосан икки номдор шахматчи ўртасида бориб, охири яқинда Гроссмейстерлик талабларини адо этган Рена Мамедованинг галабаси билан яқунланди. У 11 имкониятдан 9 очко жамғариб чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Ундан ярим очко орқанда қолган халқаро мастер, кўп қарра республика чемпиони Ольга Ким иккинчи, самарқандлик миллий спорт устаси Ирода Ҳамроқулова эса учинчи поғонани эгаллади. Фолибларга қашқадарёлик мутасаддилар таъсис этган қимматбаҳо совғалар ва Низомга кўра кейинги босқич мусобақаларга йўланамалар топширилди. Қашқадарёлик 12 яшар Сарвиноз Эргашева учун бу турнир чинакам маҳорат мактаби бўлди.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қоғоз бичими А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Бир кун эрталаб нонушта маҳали қора мушукча ойсига деди: — «Озгина балик ёмоқчман». Аммо бу гапни сариқ мушукча бошқароқ қилиб айтибди: — «Ойнечак, озгина балик есам бўладими?» Уларга онаси: — «Энди сизлар катта бўлиб қолдингиз, ўзингиз балик тутиб келинг!» — деди.

Уша кун эрталаб сариқ мушукча қармоқ ва саватини олиб, йўлга тушибди. Кетаётганда ойси билан хайрлашиб, қора мушукча эса хайрлашмабди.

Ҳам сўрамасдан ўз йўлида кетаверибди.

Бироз юрган сариқ мушукча ўрмонда адашиб қолибди. У анча йўл юриб, бир қулбани кўриб қолибди. Секингина эшикни тақиллатибди. Эшикни бир маймун очибди. Сариқ мушукча ундан дарёга яқин йўлни сўрабди.

Қора мушукча эса баланд тепаликка етиб келибди. У қаерга боришини билмабди. Аммо ўздан унча узок бўлмаган ўй томонга юрибди. Уйга етиб келгач, оёғи билан эшикни тепибди. Уйдан

ИККИ МУШУКЧА (Эртак)

Сариқ мушукчанингни рўпарасидан иккита кўча чиқибди. У қайси кўчага киришини билмай хайрон бўлибди. Уша атрофда бир эчки ўтлаб юрган экан. У эчкига яқин келиб: «Салом, эчки амаки! Мен балик овлашга кетаётганим, қандай боришини айтсангиз», — деди. Эчки унга яқин йўлни кўрсатибди. Сариқ мушукча раҳмат айтиб, ўз йўлида кетибди.

Бироздан кейин қора мушукча етиб келиб, эчкига бақирган: «Эй, эчки, қайси томонга юрсам баликлар бўлади?» деди. Эчки энаси қотганча унга узок йўлни кўрсатибди.

Сариқ мушукча ўрмон ичидан ўтиб кетаётса, унинг қармоғи олмахон қуритиш учун осиб қўйган қўзқоринларга тегиб кетибди. Ҳамма қўзқоринлар ерга тўкилибди. Сариқ мушукча қўзқоринларни тўплаб, олмахонга келтириб берибди.

Қора мушукча ҳеч нарсага аҳамият бермай куёнининг сабзи тўлдирилган саватини туртиб юрибди. Сабзларнинг ҳаммаси ерга тўкилибди. Қора мушукча кечирим

Форс тилидан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1. Яланғоч даҳаси, 107—131-уйлар.
2. Чизельный даҳаси, барча уйлар.
3. А. Абдуллаев кўчаси, 58-96 гача жуфт рақамли уйлар.
4. А. Юғнакий, Ҳўмон даҳалари, барча уйлар.
5. «Тошқиллоқ» даҳаси, 1-9-уйлар.
6. Бўз-1 даҳаси, 10, 13, 14, 18, 19, 21, 24, 26, 28-уйлар.
7. М. Жалил кўчаси, 60—120-уйлар.
8. Дунай кўчаси, 51 ва ундан юқори, 46 ва ундан юқори рақамдаги уйлар.
9. Олтинтепа кўчаси, 70—106-жуфт рақамли уйлар, 41—91-тоқ рақамли уйлар.
10. Буюк Ипак йўли кўчаси, 103, 105, 105 а, 107, 109, 111, 117, 119, 121, 123, 125, 127, 129, 131, 133, 135, 137, 139-уйлар.
11. Саноат кўчаси, 1, 3, 5, 7, 9, 11, 17-уйлар.
12. Догистон кўчаси, 47, 49, 51, 53, 55-уйлар.
13. Чуст кўчаси, 3, 5, 7-уйлар.
14. Феруза-1 даҳаси, 25, 26, 27, 30, 31, 39, 40, 41, 42-уйлар.
15. Феруза-2 даҳаси, 29, 30, 31, 32, 37, 44-уйлар.
16. Феруза-4 даҳаси, 11, 12, 13, 14, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 52-уйлар.

СИЗЛАРИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИНГ УРНАТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛ:

Хожибоев кўчаси, 45-уй, 162-АТСга жойлашган «Тошкент shahar telefon tarmog'и» очик турдаги ақиддорлик жамиятининг Мирзо Улугбек филиалига тақлиф этамиз.

Маълумотлар учун телефон: 162-15-70.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'и» ақиддорлик жамияти.

«MIROBOD BOZORI» ОАЖ акционерлари диққатиغا!

1999 йил 7 июль кунин соат 16.00 да Миробод ҳокимияти катта залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказамиз.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият директорининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги иш фаолияти ҳақида ҳисоботи.
2. Жамият Низомига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида.
3. Бошқа масалалар.

Рўйхатга олиш вақти соат 15.00.

«MIROBOD BOZORI» ОАЖ кузатув кенгаши.

«Бектемир бозори» очик ҳиссадорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 1999 йил 21 июль кунин соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, бозор майдони, VIII-блок, 2-қаватида бўлиб ўтишини ўз ҳиссадорларига маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ҳиссадорлик жамиятини 1999 йил биринчи ярим йилдаги иш фаолияти ҳақида ҳисоботи.
2. Жамиятининг ярим йиллик фаолияти яқунларига кўра ҳиссадорларга тўланадиган дивидендлари.
3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 13 майда чиқарилган 257-сонли қарорига асосан жамият Низомига ўзгартиришлар киритиш.
4. Ҳиссадорлик жамиятининг раисини сайлаш.
5. Жамият низом жамғармасини камайтириш ҳақида.

Телефон рақамлари: 195-28-10, 195-27-93.

«ХАММАДАН БАЛАНД»НИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

«Жирафа» сўзи арабча Zirafah — «хаммадан баланд» деган маънони англатади.

Жирафа лотинча иккиламчи «Жирафа камелопардиас» дейилади. Ана шу иккинчи ваҳимали сўз «Леопард рангига бўялган туя» маъносини билдиради.

Жирафа жуда нозик ва сезгир мавжудот бўлади. Уни хайвонот боғи ёки тадқиқот учун тутмоқчи бўлиб узок қувласангиз, эҳтиёт чорасини кўрмоқ керак, акс ҳолда юрак хуружи тутиб қолади. Шу боис олимлар ёшқор ва бақувват жирафаларни қувшин афзал кўришади.

Жирафалар 12 дақиқадан ортиқ ухламайди. Улар одатда тик турган ҳолда қулбларини динг қилиб, навбат билан бир кўзини, гоҳ иккинчи кўзини очиб дам олишади. Салгина хавф содир бўлса, ўша жойидан шу ондаёқ қочишга тайёр туришади.

Урғочи жирафа тик турган ҳолатда туради, буйи ва оғирлигига қараб 1,8 метр баландликдан ерга шалоп этиб тушган болага бу унчалик қўрқинчли эмас. Еруғ дунёга келган жирафачанингни оғирлиги 50 килограмм келади.

Ташки кўриниши қўпол бўлса-да, жирафаларнинг тезлиги соатига 48 километрга етади.

Жирафа чўкур уйкуга кетган пайтида буйини шундай пастга тушадики, унинг жағи тиззасига тегиб туради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

Қоғоз бичими А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.